


БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ УСТПОЗЛАР!



Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

Postga

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ

12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН

• Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2003 йил 1 октябрь, чоршанба • 40 (3516)-сон

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Қадрли муаллим ва мураббийлар, муҳтамар устозлар!

Аввалимбор, барчамиз учун қувончили бўлган мана шу қуттуг айёмда сиз азизларни — бутун ҳәётини ёш авлод тарбиясига бағишилаб келаётган, эзгулик бунёдкори бўлмиш фидоий инсонларни умумхалқ байрами — Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Хурматли дўстлар!

Дунёда энг шарафли касб эгаси бўлган сиз — ўқитувчи, мураббий ва устозлар зотини асрлар давомида улуғлаб, олижсаноб меҳнатингизга юксак баҳо берилади, шаъннингизга таҳсис ва тасанинолар айтилади. Лекин, барибир бу таърифларнинг барчаси сизларнинг инсон ҳәётидаги тутган ўринингизни, унинг камолоти учун қилган буюк хизматларнингизни тўла ифода этолмайди.

Чунки сизлар одамзот қалбига бу дунёда ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган ноёб ва бекёс бойликни жо этасизлар. Бу бойликнинг номи билим ва илму хунардир.

Сиз берган ана шу билим зиёси инсоннинг мураккаб ҳаёт синовлари ва турли машакатлар олдида эсанкирамасдан, уларни сабот билан енгиз ўтишида куч ва мадад бўлади, умр йўлларни бамисоли маёқ бўлиб ёритади.

Шу боис, ер юзида қанча қийинчилик, сурону тўғонлар рўй бермасин, сиз каби минглаб фидоий одамларнинг машаққатли ва ҳалол меҳнати, инсоний иброти туфайли то ҳануз маърифат ва эзгулик завол билмай яшаб келмоқда.

Бугунги қуттуг байрам арафасида биз фарзандларимизни илк бор мактаб ва лицей-коллежлар остоносида бағрни очиб кутиб оладиган, уларга қунт ва меҳр билан сабоқ берадиган заҳматкаш муаллимларимизни, олий ўқув даргоҳларида ёшларимиз онгу тафаккурига илм-фан асослари билан бирга инсонийлик фазилатларини ҳам сингдирадиган муҳтарам домлаларимизни ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олишимиз табишидир.

Барча-барчамиз — бугун ҳаётдан муносаб ўрнини топган, элу юртга хизмат қилаётган ҳар бир инсон камолот ўйлида, таъбирик юзиз бўлса, унга зинапоя бўлиб, ўз елкасини тутуб берган сиз, ҳурматли устозлар олдида умрбод қарздормиз. Ва мен бу ҳақиқатни ҳеч ким ҳеч қаҷон унумаслигини истардим.

Бугун барчамиз ҳар томонлама соғлом ва баркамол, она Ватани ва ҳалқига садоқатли аводли вояга етказиш, жондан азиз фарзандларимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги учун интилиб яшаётган эканмиз,

шахсан мен бу уулғор вазифани адо этишида сизларни ўзимнинг маслакадош ва кўмакчиларим, бу борадаги энг асосий ҳал қилувчи куч, деб биламан.

Ҳозирги пайтда биз бутун жаҳонда эътироф этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастуримизни изчиллик билан амалга ошира бориб, таъбири соҳасида катта ютуқларга эришмоқдамиз.

Бу, аввалимбор, умидимиз ва таянчимиз бўлган истебодли ўғил-қизларимизнинг ҳалқаро фан олимпиадаларида, иуфузли танлов ва спорт мусобақаларида юксак натижаларни қўлга киритиб, Ўзбекистонимизнинг довругини дунёга тараннум этажи ганида яққол намоён бўлмоқда.

Бундай улкан зафарлар учун барчамиз биринчи галда сизлардан — билимли, ўз касбига садоқатли, миллат ва ҳалқ келажасини ўйлаб яшайдиган ўқитувчи ва мураббийлардан ҳар қанча миннатдор бўлсан арзиди.

Сизларни қуттуг байрамингиз билан яна бир бор табриклар эканман, барчангизга сизат-саломатлик, баҳт ва омад, савобли ишларингизда муваффақиятлар тилайман.

Қалбингиздаги меҳр ва маърифат нури асло сўнмасин, азизларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

УШБУ СОНДА:
«МИЛИЦИЯ МЕНИ ТАРБИЯЛАДИ»

«Суннатилло ака бошда тиним нималигини билмади. Одамларга ҳуқуқ ва бурчларини тушуниши истамайдиганларга тегишили чора кўришдан чарчамади...»

4

КУЦЕНКО
АВСТРАЛИЯГА БОРАДИ

«Эрқаклар ўртасидаги якка баҳсларда мусобақанинг учинчи рақамли ракеткачиси, ҳамюртимиз Вадим Күценко ажойиб ўйин на мойиш қилди...»



12

АЙБ КИМДА?

«Ўқув иили охирлаб қолганда Шодиёр тайёргарликни кучайтиради. Ҳеч бир қийинчиликсиз Янгийўл шаҳридаги тиббиёт коллежига ўқишига кирди. Мақсади фақат уйдан узоклашиш бўлгани туфайли жон куйдириб ўқимадиям...»

15

«ШАЙТАНАТ»НИНГ ДАВОМИ БОРМИ?

«— Менинчча, картинага ҳалқ баҳо беради. Фильмини кўриш жаёнида хаёлимдан баъзи ерларини бошқароқ талқин этиш лозим эди, деган фикр ўтди...»



16

Илмнингдек, газетамиз саҳифаларида кроссвордлар, спорт хабарлари, криминал воқеалар ва бошқа материяллар билан танишасиз.



А. КЕНЖАЕВ олган суратлар.

ҚАЛБЛАРГА ЗИЁ УЛАШИБ



Болалигимизда, ёшлигимизда устозларимиз берган таълим-тарбия бир умр онгизга, шууримизга жо бўлади. Оилада, ишда, умуман ҳаётда бу олган сабоқларимиз аскотади. Ҳалқимиз азалдан муаллимларга юксак ишонч, ҳурмат-эҳтиром билан қараб, «Устоз — отангдан улуг», деб қадрлаган.

Республика ИИВ Академиясида ҳам ана шундай юксак ҳурмат-эҳтиromга лойиқ кўпилаб профессор ва ўқитувчilar тингловчilarга таълим-тарбия беришади. Машгулотлар юқори савиядада олиб борилиши, бўлгуси ичкилар ходимлари чукур билим эгаллашлари учун олий ўқув даргоҳида етарли шарт-шароитлар яратилган. Устозлар бор тажриба ва маҳоратларини ишга solaётгандари боис, стук кадрлар тайёрлашга эришилаяпти.

Суратларда: Ўзбекистонда демократик жамият куриши назарияси ва амалиёти кафедраси катта ўқитувчisi, фалсафа фанлari номзоди, ички хизмат майори Равшан Эрназаров ва конституциявий ҳуқуқ кафедраси бошлиги, юридик фанлari номзоди, доцент, милиция подполковниги Илес Тултевелар машгулот пайтида.

UCHINCHI TV LAM

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,
HAYRATOMUZ VOQEALAR,
SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI

«Postga»
gazetasining ilovasi



**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ**

**БИРИНЧИ МАРТА ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ
ЭТИШГА СУДЛАНГАН ШАХСЛАРНИНГ ЖАЗО ЎТАШ
ШАРОИТЛАРИНИ ЛиBERАЛЛАШТИРИШ ТҮГРИСИДА**

Суд-хуқуқ ислоҳотларини чуқурлаштириш, биринчи марта озодликдан маҳрум этишга судланган шахсларнинг жазони ўташ шароитларини либераллаштириш, улар билан тарбиявий ишларни такомиллаштириш, бу ишда жамоатчилик ва фуқароларнинг иштирокини кенгайтириш мақсадида, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 20-бандига асосан, ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Биринчи марта озодликдан маҳрум этишга судланган шахслар 2004 йилнинг 1 февралига қадар бўлган муддатда қолган жазо муддатини ўташ учун ўтказилсинлар:

унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлар — умумий тартибли жазони ижро этиш колонияларидан манзил-колонияларига;

ўта оғир жиноят содир этганлар — қаттиқ тартибли колониялардан умумий тартибли колонияларга.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов) икки ойлик муддатда ушбу масалада барча зарур чора-тадбирларни амалга оширасин ва Баш прокуратура (Р.Кодиров) билан биргаликда мазкур Фармонинг 1-банди ижросини тъ

минлаш тартибини ишлаб чиқсан.

3. Бош прокуратура (Р.Кодиров) Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов) ва Адлия вазирлиги (А.Полвонзода) билан биргаликда, озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлаш ҳамда уни ўташ тартиби ва шароитларини белгиловчи қонунчиликка ўзгартириш ва кўшимчаларни кириши ҳақидаги таклифларни бир ойлик муддатда ишлаб чиқсан ва тақдим этсинлар.

4. Мазкур Фармон ижроси устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Азизов зиммасига юқлатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 26 сентябрь.

«Биринчи марта озодликдан маҳрум этишга судланган шахсларнинг жазо ўташ шароитларини либераллаштириш түгрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига

ШАРХ

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 50-моддасига биноан, биринчи марта қасддан унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятлар содир этган шахслар умумий тартибли, ўта оғир жиноятлар содир этганлар эса, муқаддам судланганларга тенглаштирилган ҳолда, қаттиқ тартибли колонияларда жазо муддатини ўтамоқдалар.

Биринчи марта озодликдан маҳрум этишга судланганларни нисбатан чегараланган шароитда ва шу билан бирга муқаддам судланган шахслар билан бирга саклаш кўпинча уларнинг тузалиши ва қайта тарбияланиши жараёнига салбий таъсир кўрсатади.

Масалан, биринчи марта озодликдан маҳрум этишга судланган шахслар одатда, уларни озодликдан маҳрум этиш жойларида қайта тарбияланишига ижобий таъсир кўрсата оладиган, нисбатан мустаҳкамроқ оилавий ва бошқа фойдали ижтимоий алоқаларга эга бўладилар. Аммо, қаттиқ тартибли колонияларда жазо ўтаётгандарга нисбатан қариндошлари ва яқинлари билан бирмунча кам мулоқотда бўлиш (учрашув, посилка, йўқлов олиш, телефон орқали сўзлашиш) ҳуқуқига эгадирлар.

Бундан ташқари, биринчи марта судланганларнинг узок муддат давомида жазони ижро этиш жойларида бир неча маротаба жазо ўтаган шахслар билан бирга бўлишлари ҳамда бу муҳитда муқаддам судланганларнинг таъсири кенг бўлиши, уларда келгусида жамият учун зарарли дунёкаш ривожланишига шарт-шароит яратади.

Баён этилганлар инобатга олинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан суд-хуқуқ ислоҳотлари ва жиноят қонунчиликни либераллаштиришнинг навбатдаги босқичи жараёнида, унча оғир бўлмаган жиноят содир этиб, биринчи марта судланган шахслар озодликдан маҳрум этилган шахслар жазони ўташ даврида оиласидан деярли ажралмаган ҳолда, уларни нафақат моддий жиҳатдан таъминлаш, балки фарзандлари тарбиясида иштирок этиш имкониятига ҳам эга бўладилар. Ўта оғир жиноятлари учун биринчи марта судланган шахслар билан тарбиявий ишларни олиб боришда жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг иштирок этиш имконияти ҳам кенгаяди.

Шу муносабат билан Юрбошимиз томонидан Бош прокуратура, Ички ишлар ва Адлия вазирликларига ҳамкорликда, бир ойлик муддатда, тегиши қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳақида топширик берилди.

Бир вақтнинг ўзида, Ўзбекистон Республикаси Президенти, жиноят содир этган шахсларга судлар томонидан белгиланган тартибда 2004 йилнинг 1 февралига қадар амалга оширилади.

майтириш ёки бошқа тарзда енгиллаштириш бўйича Конституцияда кўзда тутилган ҳуқуқидан фойдаланиб, ҳозирда жазо ўтаётган, биринчи марта судланган шахслардан унча оғир бўлмаган жиноятлари учун озодликдан маҳрум этилганларни умумий тартибли жазони ижро этиш колонияларидан манзил-колонияларига, ўта оғир жиноятлар учун эса — қаттиқ тартибли колониялардан умумий тартибли колонияларга ўтказиш түгрисида қарор қабул қилди.

Шундай қилиб, унча оғир бўлмаган жиноятлар учун биринчи марта озодликдан маҳрум этилган шахслар жазони ўташ даврида оиласидан деярли ажралмаган ҳолда, уларни нафақат моддий жиҳатдан таъминлаш, балки фарзандлари тарбиясида иштирок этиш имкониятига ҳам эга бўладилар. Ўта оғир жиноятлари учун биринчи марта судланган шахслар билан тарбиявий ишларни олиб боришда жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг иштирок этиш имконияти ҳам кенгаяди.

Юқорида қайд этилган шахсларни енгилроқ тартибли колонияларга ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган тартибда 2004 йилнинг 1 февралига қадар амалга оширилади.

САМИМИЙ ҚУТЛАЙМАН!

Республика Ички ишлар вазирлиги тизимларида, таълим муассасаларида ўш ходимларни тарбиялаш, уларга касб сирларини ўргатишида ўз назарий билимлари ва ҳаётий тажрибалари, куч-ғайратини аямай фидойилик кўрсатадиган барча ўқитувчилар, мураббийлар, устозларимизни 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан самимий муборакбод этаман.

Тинчлик-осойишталик посбонлари бўлган ички ишлар идоралари ходимлари, тингловчи ва курсантларни она-Ватанга муҳаббат, хизмат бурчига садоқат руҳида тарбиялашдек шарафли ишингизда зафарлар ёр бўлсин.

Ушбу қутлуғ айёмда Сизларга узоқ умр, баҳт-саодат, фарзандларингиз ва шогирдларингиз камолини кўриши насиб этишини тилаб қоламан.

Зокиржон АЛМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири,
ички хизмат генерал-полковники.

Халқаро алоқалар

**ПАРЛАМЕНТ
ДЕЛЕГАЦИЯСИННИГ
ТАШРИФИ**

Ўзбекистон Республикаси ИИВга Польша Республикаси Сеймининг Э. Радзишевская бошчилигидаги Польша-Ўзбекистон парламент гурухи ташриф буюрди. Делегацияга Польша Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси З. Кухчак ҳамроҳлик қилди.

Мехмонларни республика Ички ишлар вазирининг биринчи ўринbosari, милиция генерал-лейтенанти Б. Матлюбов қабул қилди. У республика ички ишлар идораларининг асосий фаолият йўналишлари ҳақида гапириб берди.

Э. Радзишевская самимий қабул учун миннатдорчилик билдириб, икки мамлакат парламентлари ўртасидаги алоқалар, Польша ва Ўзбекистон ҳуқуқи муҳофаза қилиш идораларининг ўзаро ҳамкорлиги истиқболларига тўхтади.

Учрашув чоғида икки томонни қизиқтирган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Ўз мухбири миз.

1 октябрь – Халқаро қариялар куни



Самарқанд вилоятида истиқомат қилаётган фахрийлар орасида ички ишлар идораларида кўп ўйлар хизмат қилиб, ҳозирда кексалик гаштини сураётгандар кўччиликни ташкил этади. Ҳар бир байрам ва қутлуғ кунлар бу олижсаноб инсонларсиз ўтмайди. Отаконлар ҳар газ дийдорлашишгандар урушда ҳалок бўлган ва ундан сўнг ораларидан ўтиб кетган сафдошларини эслаб, уларнинг қабрларини зиёрат қиладилар.

Суратда: бир турӯх фахрийлар «Кўксарой» майдонидаги ёдгорлик пойига гуллар кўйишишти.

Д. САЛОҲИТДИНОВА олган сурат.

Тадбир

ЛИЦЕЙДА ТАНТАНА

Марҳум милиция генерал-майори Гуломжон Зокиров номидаги республика ҳуқуқий лицейга курсантларнинг отаоналари, яқинлари, ички ишлар ходимлари, ҳокимлик вакиллари ташриф буюриши. Қасамёд қабул қилиниши муносабати билан ташкил этилган тантанани лицей директори М. Мамажонов кириш сўзи билан очди.

Ички ишлар вазирлигининг бевосита ёрдамида, лицей маъмурияти, зобит ва ўқитувчилар ҳамда хизматчилар томонидан уюштирилган бугунги маросим — марҳум F. Зокировнинг хотирасига хурмат, аждодлар анъаналарига садоқат намунасири, — деди ўз нутқида Фарғона вилояти ИИБ бошлиғининг ўринbosari, милиция подполковники Н. Ашуров.

Лицей ўқитувчisi X. Зуҳриддинов, взвод командири, катта лейтенант Муроджон Пурхонов, отаоналардан Зайнабхон Ашурова, Лариса Тўрабеева ва тингловчи Зоҳиржон Мирзараҳимовлар барча иштирокчиларни қизғин табриклаб, уларнинг келгуси ишларига омадлар тиладилар. Шундан сўнг тадбир қатнашчилари марҳум милиция генерал-майори F. Зокиров бюсти пойига гулчамбарлар кўйиши.

Курсантлар шу куни тантанали равишида қасамёд қабул қилдилар.

М. КИМСАНБОЕВ.

1 ОКТЯБРЬ - ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

Абдулла ОРИПОВ

ЗИЁ

*Не зотлар ўтдишар ҳасратга тўлиб,
Кунлари зимишон, туни сим-сиё.
Фазога термулиб, Улуғбек бўлиб,
Йироқ дунёлардан ахтарди зиё.*

*Шоҳлар юрагида балқармиди нур,
Расуллар меҳридан порларми дунё?
Тубсиз зулумотда банд бўлган шуур
Бир-бирин қалбидан ахтарди зиё.*

*Оламни пайпаслаб мисли ногирон,
Топганилари бўлди жаҳолат, риё.
Валий наздида ҳам бенурдур жаҳон,
Магар ўз қалбидан бўлмаса зиё.*

*Қандай замонларга гувоҳмиз, устоз.
Ерга тушган каби хуршид ҳам гўё,
Кўк эмас, ушбу кун замин сарафроз,
Фалакка заминдан таралар зиё.*

*Абас, йўқликларга кетди жаҳолат,
Асримиз уфқида у мисли рўё.
Бу қандай сир эрур, қандай синоат,
Одам одам учун таратгай зиё?*

*Шуурга нур сочиб, машъал кўтарган
Сиздек устозларга олам маҳлиё.
Дейман хуш айёмда Сизни қутларкан:
Қалбингизда сира сўнмасин зиё!*



Шогирд қаломи

ИШОНЧЛАРИНИ ЙЎҚОТИШДАН ҚЎРҚАМИЗ

Полковник В. Опличко ўкув гурухимизга иккичи курсдан бўён радио алоқаси ҳарбий техникаси фанидан сабоқ берилади. Бир қарашда ҳар қандай эҳтиюздан холи, аниқ техник фанини у хис-ҳаяжон билан ўтиши бизни ҳайрон колдириган эди. Бу эҳтимол ўзи касбига бўлган мұхаббатидандир. Натижада устознинг ҳолати биз курсантларга ҳам ўтади. Мавзуга берилиб кетганимизни ўзини ҳам билмай қоламиз.

Хозир учинчи курсда ўқиётган бўлсан, тўғрисини айтганда, ҳамма ўқитувчилар ҳам Вадим Алексеевичдек ҳар гал машгулотнинг бошидан охиригача тингловчилар диккатини ўзига қартиб турла олади, деёлмайман. Бунга эса фақат нотиқлик маҳорати орқали эришиб бўлмайди, пухта, чукур билим ҳам керак.

Бошқа касб эгасидан кўра ўқитувчи, мураббий ўз устида тинимиз ишлаши керак. Шундагина замондан орқада қолмайди, тайёрлайдиган кадрларни ҳаётдан тез ўрнини топиб кетади. Шу маънода Вадим Алексеевични замондан бир қадам олдинроқда юради, дейиш

Ватанимиз мустақиллигининг 12 йиллиги арафасида республика ИИВ Ёнгин ҳафғизлиги олий техник мактаби ўқитувчisi, ички хизмат лейтенанти Абдулла Тангриев Президентимизнинг Фармонига биноан "Шуҳрат" медали билан тақдирлангани ҳамкасларига бир олам қувонч бахш этди. Алномишинлар юрти - Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида таваллуд топган ва ҳозирда 22 ёшни қаршилаган бу ўзбек ўғлонининг ҳаёт йўлига назар ташласак, қисқа давр ичидан муносиб ютуқларга эришганинг гувоҳи бўламиз.

1999 йили республика ИИВ Ёнгин ҳафғизлиги олий техник мактабига ўқишига кирган Абдулла ўзининг ноёб инсоний фазилатлари билан мактаб раҳбарияти ҳамда курсдошлири ўртасида ҳурмат-эътибор қозонди. Ўқиш жараёнида тиришқоқ, зиyrak, интизомли ва билимга чанқоқ эканлигини намоён этиб, тенгкүрлари орасида ажраби турди.

Мактаб раҳбарияти Абдуллага ўҳашаш спортга чанқоқ тингловчилар дарсдан бўш пайтларида шугулланишлари учун имконият яратиб берди. Бундай фамхўрлик аста-секин ўз самарасини бера бошлади.

Абдулла биринчи босқич тингловчиси бўлган даврида ёзудо бўйича Осиё чемпионатида чемпионликни кўлга киритиб, "Халқаро тоифадаги спорт устаси" узвонига сазовор бўлди. Австралияning Сидней шахрида ўтказилган XXVII Олимпиада ўйинлари иштирокчиси сифатида ўзбек спорти нималарга қодир эканлигини матонат билан намоиш этди. Шунингдек, Пекин шахрида дзюдо бўйича бўлиб ўтган Талабалар универсиадасида кумуш, оғир вазн тоифасида эса бронза медали соҳиби бўлди. 2001 йили Россиянинг Омск шахрида полковник Аннохин хотирасига ба-

фишлаб ташкил этилган дзюдо бўйича ҳалқаро турнирда иккита олтин медални кўлга киритди. Шаҳрида бўйича ат-Термизий хотирасига бағишиланни ўтказилган "Президент кубоги" учун анъанавий ҳалқаро мусобақада барча рақиблари устидан ишончли галабага эришиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилиди. Шунингдек, Нукус шахрида бўлиб ўтган ўзбек кураши бўйича "Президент кубоги" ҳалқаро турнирнинг Голиби бўлди.

А. Тангриев 2002-2003 йилларда ҳам ўз мувafferиятларини давом эттириб, Москва шахрида супер дзюдо чилор ўртасидаги нуфузли ҳалқаро турнирда учинчи ўринни эгаллади. Апрель ойида эса дунёнинг номдор пахлавонларини жамлаган навбатдаги ат-Термизий хотирасига бағишиланни ўтказилган "Президент соврини" учун ҳалқаро турнирнинг мутлақ вазнида тенгсиз деб топилди. Унинг қатори нуфузли мусобақаларда эришган юксак галабалари ҳукуматимиз раҳбарияти томонидан муносиб тақдирланди.

Шу йил июнь ойида Абдулла Тангриев ўқиши мувafferиятли тамомлади. Тантанали битирив кечасида катнашган республика Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-полковники Зокиржон Алматов унга мутахассислик дипломи ва лейтенантлик узвонини топширар экан, спорт соҳасида янада катта зафарлар кушишига тилак билдириган эди. Мана, бугунги кунда вазиримиз ва мактаб раҳбариятининг тилаклари ижобат бўлиб, иқтидорли дзюдо чимиз яқинингнада Жанубий Кореяда ўтказилган талабаларнинг Бутунжаҳон универсиадасида оғир ва мутлақ вазн тоифаларида олтин медалларни кўлга киритди.

Айни пайтда Абдулла Тангриев мактабнинг "Жанговар ва хизмат тайёргарлиги" кафедраси ўқитувчи сиғатида самарали фаолият кўрсатиш билан бирга ёшларга самбо ва доздо сирларини ўргатмоқмода.

Зикрилла НЕММАТОВ,
ички хизмат подполковники.



ЖОНКУЯР МУРАББИЙ

- дейди мактаб бошлиги, милиция подполковники Р. Темиров. - Унинг милиция соҳасида ишлаётганига ҳадемай 25 йил бўлади. Ўз билими, тажрибасини ҳамиша ёшларга ўргатиб келади.

Дарҳақиат, очиқ кўнгил, ширинсухан бу аёл билан сувбатлашар эканмиз, унинг ҳар бир сўзидан бажараётган ишига меҳри баланд эканлиги сезилиб турарди.

- Фарғона Педагогика институтини тутатгач, милицияга ишга кириб, турли лавозимларда ишладим, - дейди Ҳамроҳон. - 1992 йилдан бўён милиция мактабида фаолият кўрсатмоқдаман.

Бу ерда профилактика инспекторлари бошлангич тайёргарлиқдан ўтишапти, машгулотларга ҳамиша

ижодий ёндашаман. Ҳар бир кўрсатма ва бўйруқларни астойдил ўрганиб, уларнинг талабидан келиб чиқсан ҳолда дарс ўтишга интиламан.

Тўғри, аёлнинг зиммасида рўзгор ташвиши кўп бўлади. Мен хизмат ва оила юмушларидан зериқкан, чарчаган эмасман. Турмуш ўтробим ҳамиша елқадош. Кичик томорқамиз бор. Ишдан, рўзгор юмушларидан ортган вақтимни гул, дарахт ва полиз экинлари парваришига бағишилайман. Бир ўғил ва қизни вояж етказдик. Набирамиз бор. Ўглими Жамшидjon ички ишлар соҳасида ишлади.

Мазмунли умри билан кўлчиликка ўрнақ бўлаётган онанинг масъулиятли ишларида омад тилаймиз.

К. МУҲАММАДРАСУЛОВ.



Сирдарё вилояти Гулистон тумани ИИБ ходимлари ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш борасида қатор тадбирларни амалга оширишмоқда. Уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадидаги ўсмирлар волейбол жамоаси тузилди. Унга туман ИИБ бошлиги ўринбосари, милиция подполковники Ш. Ҳабибов мураббийлик килмоқда.

Суратда: мураббий шогирдлари билан бирга.

К. КАРИМОВ олган сурат.

С. АБДУҲАКИМОВ,
республика ИИБ Тошкент олий ҳарбий техник бўлиб юрти курсанти.

ОСОЙИШТАЛИК ОМИЛИ

Одатда содир этилган жиноятлар ҳақида тап кетгандан унинг келиб чишиига ҳар хил омиллар сабаб қилиб кўрсатилади. Жиноятчи тарбиясидаги қусурлар, саводу савиянинг пастлиги устун қўйилаверади. Чунки қайси тарбияли, ақл-хушли инсон жиноятга қўл уради? Шу боис, Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги Сафар Сармоновдан жиноятларнинг содир этилиши сабаблари ҳақида гапириб беришни илтимос қилдик.

Жиноятнинг катта-кичиги бўлмайди. Ким бўлишидан қатъи назар, бироннинг уйига берухат кирдими, у қонунни бузган хисобланади. Чунки унинг нияти уй эгасининг мол-мулкига тажовуз қилиш. Мабодо шу пайдада уй эгаси хабар топса, жиноят изини яшириш учун уни ўлдиришдан тоймайди.

Бундай ҳолатда босқинчига шафқат килиш ярамайди. Негаки, у режаси барбод бўлгани

учун навбатдаги ножӯя ишга қўл уради. Шу боис, унинг "мен ўлдириш учун кирмагандим", деган гапи ноўрин.

Таҳлиллар шуни кўрсатмокдаки, жиноятлар аксарият ҳолларда ушонг анъана содир этилаёт. Қолаверса, уларнинг иштирокчилари кўпроқ ёшлардир. Шу сабабли, бугунги ёшларнинг тарбияси мукаммал бўлиши учун қайғуришимиз керак. Отаналар фарзандларини яхши

едириб-ичириш ёки қимматбаҳо кийимлар олиб беришдан кўра мукаммал илм олишларига жиддий этибор беришлари зарур.

Инсон жамиятда ўз ўрнини топишида маҳалланинг ўзига хос аҳамияти бор. Негаки, ҳар бир бола маҳалласида турли касбдаги ва ҳар хил феъл-атворли кишилар билан мулоқотда бўлади. Обрў-этиборли, хурматга сазовор кишиларга ҳавас қилиб, уларга ўхшашга интилади.

Биз кейинги пайдада жамоат назоратини деярли унугтиб қўйдик. Халқимиздаги истихолалик, андишалик гоҳида кўриниб турган нуқсонларга нисбатан бефарқликни келтириб чиқараюпти. Айтайлик, ота-она эртадан кечгача ишда. Фарзанди кўчада сигарет чекиб юрибди. Буни кўрган кўшини ўша болани койиш у ёқда турсин, ҳатто "болам, сигарет чекма, отангга айтаман", ҳам демайди. Жилла курса отасини "кўшни, ўғлингиз сигарет чекаяпти", деб огоҳлантирмайди. Ана шундай

лоқайдлик оқибатида кўп қаватли уйларнинг йўлакларида ёш йигит-қизлар сигарет чекиб, гиёҳвандлик моддалари истеъмол қилишмоқда. Тўғри, биз уларни аниқлаяпмиз. Тегишилор кўрилаёт. Аммо жамоатчилик назорати кучли бўлса, ёшлар бу даражада тубанлашмасди.

Шунинг учун биз маҳаллаларда ўтаётган йигилишларда, айниқса, кўп қаватли уйларда яшовчи фуқароларга бир-бирларининг фарзандларига ўз фарзанди каби муносабатда бўлишларини қайта-қайта таъкидляйпмиз. Мактаб, оила ва маҳалла ёшлар учун ўзига хос тарбия ўчғи вазифасини ўтаси зарур.

Бугунги кунда маҳалла, мактаб ва милициянинг ўзаро ҳамкорлиги ҳам талаб этилаёт. Шу боис ҳар бир милиция таянч лўнктида профилактика инспекторлари фаоллар, хотин-қизлар қўмиталари, яраштирув комиссияси, маҳалла посбонлари ҳамда педагогтарбиячилар билан бирга фаолият олиб бормоқда. Маҳалла гузар-

ларида майший хизмат устахоналари, кичик бизнес тармоқлари барпо этилган. Уларга маҳаллада ишсиз юрган ёшлар, фуқаролар жалб этилмоқда.

Бир неча йилдан бўён маҳаллаларда яраштириш комиссиялари фаолият юритаёт. Менимча, комиссия аъзолари келишмовчилик пайдо бўлган оиласи муросага келтириш билан чекланиб қолмаслиги, балки ҳар бир хонадондаги турмуш тарзини мунтазам ўрганиб, назорат қилиб боришлари зарур. Ачинарлиси, айрим яраштириш комиссиялари оиласи низоларни эр-хотин ажрашиш даражасига келгандагина билиб қолишиади.

Буни этиборга олиб биз шаҳардаги барча маҳаллалар фаолларини йигиф, уларга ёш оиласи учун йигма жилд очиб, унга доир маълумотларни жамлаб боришни тайинладик. Ушбу омил барқарорликни таъминлашда мухимдир. Зоро, йигма жилд бўйича маҳалла фаоллари навбати билан хонадонларда суҳбатлар ўтказиб, келишмовчиликларни бартарраф этишади.

Сұхбатни Шуҳрат РЎЗИЕВ ёзиг олди.

САДОҚАТ

— Тергов холисликни талаб қиласди, буни таъминлаш эса ўз-ўзидан кечадиган осон жараён эмас, — дейди Когон шаҳар-туман ИИБ тергов бўлинмаси бошлиғи, милиция майори Садриддин Болтаев.

Унинг тергов соҳасида иш бошлаганига саккиз йилдан ошди. Шу давр мобайнида малакали терговчилардан иш ўрганиш билан бирга отаси-собиқ терговчи, истеъфодаги милиция майори Карим Болтаевнинг ўғитларига амал қилди.


Терговчилар касби кишидан ўта масъулият талаб қиласди. Мавжуд ҳолатни ўрганмай, жиноят содир этилган жойни кўздан кечирмай туриб, бирор натижага эришиш қийин. У бундай холосага йиллар давомида ҳар бир жиноятни чукур таҳлил қилиш, қайта-қайта текшириш эвазига келди.

Садриддин милиция ходими хонадонида улғайгани учунми, бу касбга жуда эрта меҳр қўйди. Афон тупроғида ҳарбий хизматни ўтагач, милицияга ишга кирди.

— Агар жиноятни ҳам, жиноятчими ҳам астойдил ўрганмасангиз, уринишларнинг зое кетади, — дейди у. — Ҳар бир жиноятчими ўз услуги бўлади. Яқинда кўп бора ўғрилик қилиб қочишига ултурган шахснинг шеригини ушладик. Бу эса ўғрибошини кўлга олишимизда ёрдам берди. Маҳалла посбонига пичоқ уриб қочаётган жиноятчими эса воқеа жойида кўлга олди...

С. Болтаев фаолиятида бундай мисоллар кўплаб учрайди. Айни дамда у касб маҳоратини ошириш билан бирга ёшларга устозлик қилиб, тергов сирларини ўргатмоқда. Яқинда тажрибали терговчи ҳаётida қувончли воқеа содир бўлди. Унга милиция майори унвони берилди.

Ражаббой РАУПОВ.



Суратда: милиция майори С. Болтаев (ўртада) шогирдлари билан. Муаллиф олган сурат.

Фидойи ҳамкасларимиз

Суннатилло ака отасини ёсломайди. У 9-синфда ўқиб юрганида онаси ҳам вафот этди. Тогаси ўз фарзандлари қатори тарбиялади, вояга етказди, армияга кузатди.

Ҳарбий хизматдан келгач, С. Шодиев ўзи тугилиб ўсан Нурота тумани ИИБда навбатчи ёрдамчиси бўлиб ишлай бошлади. Илм олиш истаги ҳеч кўнглига тинчлик бермасди. Шу боис 1986 йили Тошкент ўрта милиция мактабига сиртдан ўқишига кирди.

«МИЛИЦИЯ МЕНИ ТАРБИЯЛАДИ»

У милиция лейтенанти унвонини олгач, туман ИИБ бошлиғи:

— Тилло (Суннатилло акани ҳамкаслари суйиб, эркалаб шундай чақиришади), энди пичи пишиб қолдинг, — дейи уни Фазон кўрғонига участка вакили этиб тайинлади. Ўша пайтлар бу ер туманда энг оғир ҳудуд ҳисобланарди.

Суннатилло ака бошида тиним нималигини билмади. Одамларга ҳуқуқ ва бурчларини тушуниши истамайдиганларга тегишилор кўришдан чарчамади. Энг муҳими, уларнинг ишончи, хурматини қозонди. Кўрғон аҳли бу йигит кўпни деб елиб-югуриб юрганига амин бўлди, кези келгандага уни кўллаб-куватлади. Уч йил дегандага у маъмурий ҳудудни илгорлар сафига олиб чиқди.

Нурота шаҳрида милиция участка вакили

бўлиб ишлаганида Фазонда ортириган тажрибаси кўл келди. Бошда кунига беш-олтиталаб ҳуқуқбузар устидан маъмурий далолатнома тузишга тўғри келди. Қонун-қоидани унча писанд қилмайдиган одамлар қарашсаки, участка вакили ҳамма нарсанинг ҳисоб-китобини олиб боряпти. Ҳуқуқбузарликка мояиллар чўчиб қолишиди. Яхши кўрсаткичларга эришгани учун Суннатилло Шодиев кўкрак нишони билан тақдирланди.

— Ҳозир Нурота шаҳрида бир нечта профилактика инспектори фаолият кўрсатади. Лекин улар ҳали Суннатилло Шодиев даражасидаги натижаларга эришишгани йўқ, — дейди туман ИИБ бошлиғи ўринбосари, милиция майори А. Азимов, — Сабаби, у ўзини аямай, вақтини қизғанмай ишлаган, У ишни тез, пух-

та бажаради. Бунда одамлар билан муомалани яхши билиши жуда аскотаяпти. Фазон кўрғонидаги қотиллик очилганини мисол қилиб келтирса бўлади.

Бир йигит тўйдан масти бўлиб келади. Отанаси ҳозир койиганинг фойдаси йўқ деб ўйлаб, уни ётқизиб қўйишиди. Йигит шу ётганича қайтиб ўрнидан турмайди, эртаси оламдан ўтади. Мурдан кўздан кечиришса, ҳамма ёғи моматалоқ.

Суннатилло ака бир пайтлар ўзи участкавой бўлган ҳудуд эмасми, секин сўраб-суршишира бошлади. Шу аснода бир қиз марҳумни қош қорайганда дала йўлида кўрганини айтиб қолди.

— Холасининг ўғли, ўзининг жўраси билан жанжаллашаётган эди, — деди у.

— Янгишиштаётган бўлма тағин, — ўсмоқчилаб сўради Суннатилло ака,

— Йўқ. Уларни мен билан унаштирилган йигит ажратмоқчи бўлди, лекин эплолмади, аксинча унга ўдагайлашди. Сўнг кўрқиб, у кишини кўярда-кўймай олиб кетдим. “Икковиям масти экан, гапингиз кор қиласди”, дедим.

Суннатилло ака қизга раҳмат айтиб, тўғри гумонланувчининг дўконига борди. У бамайлихотир савдо қилиб турарди. Аввалига айни бўйнига олмади. Кейин “ёрилди”:

— Менинг кайфим йўқ эди. У масти ҳолда қаттиқ ҳақорат қиласди. Онадан сўкли. Чидаб туромай, куч билан қорнига урдим. Оғиз-бурнidan қон келди. Қўрқиб кетдим. Амаллаб юз-қўлини чайиб, уйининг олдигача олиб бориб қўйдим.

Сўнг йигит чала-чулпа ювиб, қуритмасдан жавонга тиқиб қўйган қон юки кийимларини олиб берди..

Чорак асрлик хизмат осон кечгани йўқ, албатта. Жиноятчилар билан олишиб, юз-қўзи қашқа бўлгани, жароҳат олгани ҳисоб эмас. Аммо фидойилиги, меҳнатнинг роҳати ҳам бўлди.

— Тогам ва ҳамкасларимдан кўп нарсани, аввало қонунни ҳурмат қилишга ўргандим, — дейди у. — Тақдиримдан мингдан-минг розиман.

Бу милиция капитани Суннатилло Шодиевнинг самимий дил сўзлари эди.

Бобомурод ТОШЕВ.

УЧНИНСИ + TV VOLAM

«Постга»
gazetasining ilovasi

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,
HAYRATOMUZ VOQEALAR,
SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI

Фаройибот

Сарлавҳани ўқиб, "Нима, учадиган мушуклар ҳам бўладими?" дерсиз. Узил-кесил бир нарса дейиш қиин. Ҳар ҳолда вақти-вақти билан матбуотда қанотли бароқвойлар ҳақида хабарлар пайдо бўлиб туради. Балки улар тунлари овга чиққанда учишар. Қизик, қанотлари янги мутациямикан ёки ўтмиш аждодларидан мерос бўлиб қолган аъзомикан?

Грифонлар ҳақида кўплаб афсонаю ривоятлар мавжуд. Уларни гавдаси мушуксимон, қанотли маҳлуқлар тарзида тасвирлашган. Ҳозирда Буюк Британияда 140 та қанотли мушуклар борлиги қайд этилган. Айримларининг қанотлари росмана күшнинг ўхшаш, каттагина. Баъзила-риники эса кўримсиз ўсимта шаклида. Йигирмага яқин қанотли мушуклар суратга олинган ёки видеотасвирга туширилган.

2001 йилда Россиянинг Череповец шаҳридаги концерт залида пайдо бўлган қанотли мушук ҳақида хабарлар тарқалган эди. Унга Василий Пегасович деб ном кўйиши. Баъзилар мушукларнинг фариштаси бўлса керак, деган тахминни ҳам илгари суришди. Кунларнинг бирида алла-қандай аёл қайни билан "Василий Пегасович"нинг қўш қанотни шартта кесиб ташлади. Тўғри, жароҳат тез кунда битди, аммо мушук бу воқеадан кейин хомуш тортиб қолди.

1996 йили англиялик эр-хотин Тэд ва Лоретта Клоаралар қарор-сиз қолган маскандан бир мушук бо-


ласини араб олиши. Унга инглизасига Маффин деб ном кўйиши. "Уни уйга олиб келганимизда, – дея хотирлайди Лоретта, – орқасида қандайдир юнгдор ўсимта борлигини пайқадим. Балки жоноворга илгариги эгалари ёки кўча безорилар азоб беришгандир, деб ўйладим".

Тэд ва Лоретта мушукни яхшилаб парвариш қилиши. Маффин улғайган сари орқасидаги ўсим-

дим. Қарасам, Маффин қорниминг устига чиқиб ётган экан. Соат тахминан тунги учлар эди. У ҳар доим шу маҳал эркалашимиз, егулик беришимиши сўраб каравотимизга сакраб чиқарди. Хуллас, мушукнинг бошини силаганимни биламан, у пишиллаб, орқа оёқларида тик турганча қанотларини ёзиб юборса бўладими. Уларнинг узунлиги 13 сантиметрлар келарди. Негадир кўриб кетдим".

Ўшандан бўён мушукни бошқа хеч ким бундай важоҳатли алфозда кўрмади. Чол ва кампир гарчи айрим таниш-билишлари гайритабии маҳлуқлар бехосият бўлади дейишса-да, асло эркатойларини даф қилиш ниятида эмас.

Қанотли мушуклар ҳақидаги



ҚАНОТЛИ МУШУКЛАР

талар ҳам ўсиб бора-верди. Бора-бора улар қанот шаклини олди. Яхшилаб пайпаслаб кўрсангиз, қанотларнинг асосини суюк ва пай ташкил этишини пайқайсиз.

"Биз ҳали унинг учанини кўрганимиз йўқ", – тан олади Лоретта. "Тўғри, ҳали учгани йўқ, – кўшимча қиласди Тэд. – Аммо бир кечаси, ўшанда Маффин тўқиз ойлик эди, уйғониб кет-

дастлабки маълумотлардан бири XIX асрнинг ўрталарига тааллуқли. Генри Д. Трюдо жоноворни шундай тасвирлайди: "Мушук кулранг-жигарранг бўлиб, бўйнида оқ қашқаси бор эди. Эгасининг айтишича, бу уйга ўзи келиб қолган. Қишида юнги қалинлашган, икки биқинида узунлиги 25-30 см эни 6-7 см келадиган қанотсимон ўсимта пайдо бўлган. Ҳаммасидан қизифи, "қанотлар" баҳорга чиқиб тушиб кетган, қиши келганда яна ўсиб чиқкан. Ўз эгалари менга ҳам бир жуфт ана шундай тушиб қолган қанотни ҳадя этишди".

Криптозоолог Карл Шукер 1868 йили Хиндишонда қанотли мушук топилганини ёзади. Орадан чорак аср ўтиб, Англиянинг Кембриж шаҳри яқинидаги яшовчи жоноб Дэвид Бэдлок иккенинг эвазига ҳоҳлаган кишига ўзининг қанотли мушугини намойиш эта бошлайди. Фақат мушук қанотларини ёзиши учун унинг жигига тегиши керак эди.

Буюк Британиянинг Дербишир графлигига пайдо бўлган қанотли мушук ҳақида маҳаллий матбуот 1897 йилда хабарлар тарқатди. У юрганида тезлигини ошириш учун қанотларини ёзарди. Бир дехон мушукни тулки деб ўйлаб, отиб кўйган.

Оксфордлик Гриффитс хоним 1933 йили отхонасида фалати маҳлуқни кўриб қолади. Мушук-

ка ўхшаб кетадиган ола-була рангли бу жоновор отхона шифтида учиб юарди. Уни тутиб олиб, маҳаллий ҳайвонот боғида намойиш этишди. Учар мушук қанотларининг узунлиги 15 см келарди.

1950 йили Буюк Британиянинг Саттон шаҳрида бўлиб ўтган карнавалда Сэнди лақабли қанотли мушук намойиш этилди. Унинг қанотлари жоновор улғайганида ўсиб чиқкан, дейишади. Балки илгари пайқашмагандир.

Бизнинг кунларда ҳам бундай ҳоллар қайд этиб турлилди. Масалан, 1986 йилда Уэльсда, 1995 йилда Кабриядаги, 1998 йилда Нортвудда қанотли мушуклар учраган. Аммо сиз бундай гаройиб ҳодисалар фақат Буюк Британияда юз бераркан-да, деб ўйламанг. Шимолий Швецияда ҳам қанотларининг узунлиги нақ 58,4 см бўлган мушук қайд этилган. Вазни 9 кг келган бу "полвон" бир куни чақалоқча хужум қилмоқчи бўлганда отиб ташлашган. Унинг ўлигини маҳаллий музей ходимлари олиб кетишган.

Канададаги фермалардан бирида 1966 йилда қанотли мушукни отиб ташлашди. У ўлжасига ердан хиёл кўтарилиб, тепадан ташланарди. Мушукнинг ўлигини аввалига кўмишди. Бир неча кундан сўнг Кемптивилла қишлоқ хўжалиги институти

олимлари илтимоси билан қазиб олиши. Экспертларнинг хуносасига кўра қанот аслида тўпланиб, катланиб қолган мўйнанинг ҳосиласи эди.

Қанотли мушуклар ҳақида тиббий тадқиқотлар, ветеринарларнинг хисоботлари 1970 йилларда пайдо бўла бошлади. Хусусан, 1977 йили АҚШнинг Пенсильвания университетидаги ўсиб қанотли мушук ўрганилганни ҳақида қизиқарли мақола чоп этилди. Мутахассислар мушук қанотлари устини қоплаган тери ўта чўзилувчан, нозик эканини таъкидлашган эди.

Мушуксеварлар қуйидагиларни билиб қўйгани маъқул. Қанотли мушукларнинг бу хусусиятлари аксар ҳолларда авлодларига ўтади. Энди қанотининг нозиклигини назарда тутсак, бундай мушуклар бутазорларда ов қилишга, юмдалашига учна ярамайди. Уларни каналардан ҳам эҳтиёт қилиш керак. Хуллас, турган-битгани ташвиш, кўп вақтингиз ветеринарга қатнаб ўтиши мумкин.

Одатда қадими афсона ва ривоятларда қанотли мушукларни ёвуз кучларга, жину шайтонларга алоқадор қилиб тасвирлашган. Бу жоноворлар кўлга ўргангач, уларнинг қанотларига ҳам муносабат ўзгарди. Ҳозир мушуклар юмшоқлик, мулоимлик, эркантантиклик тимсолидир. Қанотлари эса кишини бироз ҳайрон қолдиради ва ўйлантиради, холос.

**Хориж матбуоти
материаллари асосида
тайёрланди.**

Африка қабилалари

САХРО ФАРЗАНДЛАРИ

ОДАМЛАР ВА ЖИНЛАР

Эҳтимол, Саҳроу Кабир қўйнига бадавийларнинг сўнгти карвони кезиб юргандир. Уларнинг ўйлари кимсасиз, олис ерлардан, шарпалар ва руҳлар – сирли жинлар макон қурган жойлардан ўтади. Кумтепалар, барханлар орасига улардан ташқари энг қаноатли ва чидамли жониворлар яшайди.

Кўчманчилар... Улар бепоён Саҳроу Кабирдаги барча қудук ва сув хавзаларини ёддан билишади. Қақраган саҳрода сув бебаҳо неъмат ҳисобланади. Ташналик исканжасида қолган йўловчи учун бир култум сув баъзан юзлаб тудан қимматлироқdir. Шундоқ ҳам саноқли бўлган кам сувли кўллар ёзда аста-секин қурий бошлайди. Охири кўлнинг туви тақирга, бутун саҳро қайноқ кум дengизига айланади. Аммо кўчманчи қабилалар куримайдиган кудукларни ва туяларга емишни қаердан топиш-

ни яхши билишади. Бу билимлар авлоддан-авлодга ҳаёт фани сифатида ўргатиб борилади. Бадавийларнинг ёзма тарихи йўқ. Улар қабилаларининг ўтмиши ҳакида оғиздан-оғизга ўтиб келаётган ривоятлардан билиб олишади.

Замонавий транспорт магистраларидан юзлаб чақирил олисда, чўл қўйнида бадавийлар ўзларининг "саҳро кемалари" – туяларда воҳаларга хурмо, туз, тарик, шакар ва бошқа зурур нарсалар аетказиб беришади.

Кўчманчи қабилалардан бўлган туарегларнинг тарихи қадим-қадимларга бориб тақалади ва афсоналарга қоришиб кетган. Туарегларнинг умумий сони миллионга якин. Аммо улар бешта Африка давлатида тарқоқ ҳолда яшашади. Қарийб ярми Нигерия саҳролари бўйлаб кўчиб қоришли. Туарегларнинг кўпчилиги икки хил турмуш кечиришиди: ёшлар университетларга ўқишига киради, камбағаллар шаҳарлардан иш излашади, аммо қабилалари билан алоқаларни узишмайди.

Карвонларда анъа-

навий ҳаёт кечириш тобора қиинлашиб боряпти. Лекин ҳозирча воҳаларда юзини рўмол билан тўсиб олган эркакларни кўриш мумкин. Афсонага кўра, бу қабилаларнинг аёллари бир жангда ганимдан шармандаларча мағлуб бўлган эрлари устидан кулишган экан. Ўшандан бўён туарегларнинг эркаклари бошқалардан уялгани учун юзларига рўмол ёбиб юришар эмиш. Яна шу тариқа улар ёзвуз руҳлар хужумидан ҳимояланишади, деган гаплар ҳам бор.

кулиб. — Сут, гўшт, сабзавот-полиз, ҳатто фалла ҳам ўзимиздан чиқади. Шукр, қишлоқларимиз тинч. Бунда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларнинг ҳиссаси катта бўлаяпти. Паспорт тартиби қоидаларига амал қилиниши доимо текшириб турилади. Махаллий аҳоли вакиллари жалб этилган тунги патруллар фаолият кўрсатяпти.


Бир ҳовли олдида бизни юзларидан нур ёғилиб турган отаҳон қаршилади. У киши Бозорбой ота экан. Ҳамқишлоқлари ҳаж зиёратига бориб келган бу қарияни ўзозлаб "Хожи бува" дейишира маълум бўлди.

— Ёшлигимда чўпон эдим, — деди хотирлайди отаҳон. — Қўй боқиб Панжикент томонларга борардим. У ёқларда баязи нотинчиллар юз берганидан кейин борди-келди бир оз камайди. Юртимиз тинч. Шунинг ўзи катта давлат...

Кечга яқин туман ИИБга қайтиб келдик. Милиция подполковниги М. Набиев ўзи раҳбарлик килаётган идора фаолияти ҳақида қўйидагиларни гапириб берди.

— Маъмурий ҳудудни шартли равишида учга бўлдик. Ҳар бир қисм учун ўринбосарларимдан бири жавоб беради. Ходимларимиз ва аҳоли вакилларидан иборат тунги патруллар эл тинчлигина муҳофаза қилишади. Саъиҳаракатларимиз натижаси ўлароқ умумий ҳамда жиноят қидиув ўйналишидаги жиноятчилик кескин камаймоқда.

Дилбар САЛОХИДИНОВА.



Суратда: навбатчи инспектор, милиция катта лейтенанти А. Абдузаликов ва профилактика инспектори, милиция лейтенанти О. Жуманазаровлар хизмат пайтида.

Муаллиф олган сурат.

Мулоҳаза

«Қизники қийин билан...»

Эрта тонг. Якшанба бўлгани учунми, ҳаммаёқ жимжит. Ҳатто саҳар мардондан "сут, қатиқ келди!" деб бақириб, ҳаммаёқни бошига кўтаридаған қиз-жуонлар ҳам кўринмайди. Фақат жонсарас фаррош — Улаш опагина эски супургиси билан йўлакларни супуриб-сириб юриди.

Аёл бир неча жойга тўплаган чиқиндиларни елим халтага солиб, арава-чага ортди. Кейин бир четда, ўюлиб ётган ахлат ёнига борди. Халтани бўшатаётгаб ахлат ўюмлари орасидаги янгигина матога кўзи тушди. "Нима экан бу?" деб уни тортиб чиқариб, аста очдио, даҳшат билан бақириб юборди. Матога,, янги туғилган чакалокнинг жасади уралганди.

Қарши шаҳрида содир бўлган бу воқеа ҳар бир онгли кишини ташвишга соли-

ши, ўйлантириши табиий. Хўш, чақалоқнинг ота-онаси ким? Ким бу гўдакни шафқатсизларча ахлатга ташлади? У бир парча матога ўраб, улоқтирилаётгандан бири аниқлаш, айборларга қонуний жазо бериш ҳуқуқ-тартибот ходимларининг вазифаси. Бизни масаланинг маънавий томони қизиқтиради.

...Гизатуллинларнинг оиласида иккى қиз, уч ўғил вояга етадиган экан. Бир куни ишдан қайтаётганимда қўшини аёллар мени тўхташиб, "пастки қаватда яшайдиган қўшнингиз Солиҳа опанинг деразасидан кечаси иккى йигит кирайтди. Ота-онасига айтиб қўйинг, ё қизини тартибига чакирсан" деди... Орадан ҳеч канча вақт ўтмай вояга етмаган қизларнинг (кейинроқ шу қўшнининг иккинчи қизи ҳам) ҳомиладорлиги

ўйирлика тушиши мумкин дейишиди.

Солиҳа опанинг катта қизи ўн тўрт ёшда. Унинг тенгкур дугонаси ҳам бирга яшайди. Қўшниларнинг гапини айтсан, она "Нега менинг пардадаги қизимни ёмон отлиқ қиласанлар?" деб дод солса-чи? Айтмасам, эртага қўшнilar милицияга шикоят қилиши турган гап.

Минг истиҳола билан Солиҳа опага қўшини аёлларнинг "омонат гапи"ни етказдим. Мен кутганимдек у "Ким кўриди, қачон?" деб сўраб-суршиштирмади. Аксинча, "Биламан, — деди беларво. — Қизимга айтдим: йигитлар деразадан эмас, кечроқ келиб, эшикдан кирсин", деди... Орадан ҳеч канча вақт ўтмай вояга етмаган қизларнинг (кейинроқ шу қўшнининг иккинчи қизи ҳам) ҳомиладорлиги

маълум бўлди. Катта қизику, шалвираган бир йигитнинг "этагидан ушлаб", ҳали чилласи чиқмаган боласини унинг онасига бериб юборди. Кейин ўйини очиқасига фохишаҳонага айлантириди. Ўғиллари ўрилик билан қайта-қайта қамаларди. Маҳалла-кўйнинг аралашуви билан бу оила қаёққадир кўчиб кетди. Дарвоке, қўшнининг кичик қизи ва дугонаси туғиб, гўдакларини түргуҳонада қолдиришиди.

Яқинда яна бир ҳодиса юз берди. Ҳарбийда ишлайдиган отанинг кўп вақти ишда ўтади. Уйга келганида эса жанжал. Хотини "Уйга вақтида келмайсиз, аёллар билан юрсангиз керак деб юмма талаб, кун бермайди. Бундай мумаладан безор бўлган эр бошқалар ўрнига ҳам навбатчиликка туриб, уйига камрок келишга инти-

Маънавий-сиёсий тайёргарлик машғулотлари гурухлари раҳбарларига ёрдам

ҲАРБИЙЛАРНИНГ ҲАЁТ ҚОНУНИ

Тарихдан маълумки, шарқда буюк саркардалар ўз қўшилларини идора этишининг маълум қонун-қоидаларини жорий этганлар. Амир Темур ўз тузукларининг 2-қисмида сипохийларини бошқариш масалаларига алоҳида эътибор берган. Қўлланманинг қадри юқори бўлганинг шундан кўришиимиз мумкин, у Хиндистон, Буюк Британия, Эрон, Россияда чоп этилди. Қўллаб мамлакатларнинг алоҳида маънавиятни ўз қўшилларига маълум маънода асос бўлди.

Ҳарбий қисм ҳаёти, хизматини ташкил этишининг асоси бўлган Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг Умумҳарбий Низомлари ўтмиш тажрибаси ва тарихий, миллий-маънавий анъаналаримиз асосида вужудга келди. У "Ички хизмат Низоми", "Интизом Низоми", "Гарнizon ва қорувлар хизмати Низоми", "Саф Низоми" дан ташкил топган.

Гурух раҳбари тингловчиларга музкур ҳужжатлар олдида кўйиган вазифалар нима, деган савол билан мурожаат қилиб, Низомларнинг аҳамиятини эслатади ва улар ҳақида тингловчиларга тўлиқ маълумот беради.

Маълумки, республика ИИВ Ички қўшиллари ҳарбий хизматчилиари умумий ҳуқуқлари ва мажбуриятларини, улар ўртасидаги ўзаро муносабатларни, ҳарбий хизматчиларнинг мажбуриятларини, ички тартиб-қоидаларни белгилаб беришада Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг Ички хизмат Низомида соат 19.00 дан сўнг турли хил оммавий тадбирлар ўтказилиши тақиленади (231 - банд). Белгиланган тарбиявий тадбирларнинг юқсак савида ўтказилиши аскарларнинг маънавий, ҳуқуқий маданиятини оширишга яқиндан ёрдам беради.

Машғулотни якунлар экан, гурух раҳбари кун тартиби амал қилиниши жамоада ҳарбий интизомнинг мустаҳкамланишига, жанговар тайёргарликни сифат жиҳатдан юқори даражага кўтарилишига хизмат қилишини таъкидлаб ўтади. Ички хизмат Низомининг 1-қисми 1, 2-боблари; 2-қисми 4, 5-боблари мазкур масалаларни ўз ичига олади. Ҳар бир аскар ўз ҳуқуқлари, мажбурият ва жавобгарлиги ҳақида тўла маълумотга эга бўлмоғи керак.

**Республика ИИВ
Ички қўшиллар
Бош бошқармаси шахсий
таркиб билан ишаш бўлими.**

туриди. Бунинг натижасида эса...

Донишмандлар "Қизники қийин билан битар, ўғилни ўйин билан битар", деган нақлни айнан ўйинкулгу, кўнгилхуши туфайли қийин аҳволга тушиб қолган "қиз"ларга нисбатан айтган бўлсалар ажаб эмас. Байзи оналар қизларидаги ўзгаришларга нисбатан ҳушёррек бўлишса юқоридагига ўхшаш ҳолатлар рўй бермас эди.

Халқимизнинг асрлар оша сайқалланган қадриятлари, маънавиятини асрлаб авайлаб, авлодлар онгига етказиш мақсадга мувофиқдир. Қизларимиз ифратию шаънлари, ор-номусларини асралари, ўзбекона ахлоқодоб мөъёлларига амал қилишлари атрофдагиларда уларга нисбатан ҳурмат-эътиром пайдо килиши ҳаммага маълум. Шундай экан, ойдек қизларимиз соддаликлари, ўрликлари боис қайсиридаги бағритошнинг кўлида хазон бўлишмасин.

**Шахзода
ХУДОЙБЕРИДЕВА.**

ВАЗИФАСИГА НОЛОЙИК ДЕБ ТОПИЛДИ

ёки маҳалла посбонлари фаолиятига бир назар

Жиззах тумани "Зарафшон" ижара ширкатлар бирлашмаси ҳудудидаги овлоқ жойдан сигир етаклаб кетаётган нотаниш кишини кўрган маҳалла посбони А. Шомухторов уни бир оз кузатиб, тезда профилактика инспекторига хабар берди. Маҳалла посбони бежиз шубҳаланмаганди. Қўшни Пахтакор туманидан мол ўғирлаб келган киши суринширувда ўз айбига иқрор бўлди. Маълум бўлишича, у далада қаровесиз ўтлаб юрган сигирни ўғирлаб келаётган экан. Маҳалла посбонининг ҳушёрлиги туфайли мол эгасига қайтарилди.

Бундай воқеаларни вилоят маҳалла посбонларининг фаолиятидан кўплаб келтириш мумкин.. Уларнинг фаол ҳаракати боис кўплаб жиноят ва ҳукуқбузарликлар аниқланти. Айни кунларда вилоятдаги 260 та қишлок ва маҳалла фуқаролар йигинларида 1700 нафардан ортиқ маҳалла посбони бор. Улар орасида ўз вазифасига сидқидилдан ёндашиб, профилактика инспекторларининг ишончли таянчи бўлаётганлар талайгина. Масалан, Жиззах шахридан О. Нишонов, И. Тўраев, А. Сайдов, Ф. Тошпўлатовлар йил бошидан бери 20 дан ортиқ қўшмачилик, гиёхвандлик ва ўғирлик жиноятларини фош этдилар.

Лекин шоли курмаксиз бўлмаганидек, айрим

маҳалла посбонлари ўзларига билдирилган ишончни оқлай олишмайти.

— Маҳалла посбонлари қишлок ёки маҳалла фуқаролар йигинлари раислари томонидан тайинланади, — деди биз билан сұхбатда Жиззах тумани ИИБ бошлиги ўринбосари, милиция майори А. Яхшиликов. — Улар ҳар томонлама ўрганилиб, маҳалла ишига, профилактика инспекторига ёрдам беришга шай, лаёкатли, келгусида ички ишлар идораларида хизмат қилишига яроқли йигитлар танлаб олиниши керак. Афсуски, айрим фуқаролар йигинлари раҳбарлари танишиблишикарига ўтиб кетишганини айтиб ўтиш жоиз. "Пахтаобод" қишлок фуқаролар йигинидан

Дилшод Сатторов ва Баходир Ҳазраткуловлар кимларгидир ишониб, факат савлат тўкиб юришдан нари ўтишмади. Уларни вазифаларидан четлаштиришга маҳбур бўлдик.

Шу тумандаги "Оқ олтин" қишлок фуқаролар йигинидан маҳалла посбони Ахаткул Кўшбоков эса фирибгарлик йўлига ўтди. У бир фуқародан хужжат расмийлаштириб бераман, деб пул олиб алдаб кетади. Зафаробод тумани "Ёрқин" қишлок фуқаролар йигинидан Иномжон Чакқонов ҳам маҳалла посбони вазифасини эпломади. Бу рўйхатни яна давом этириш мумкин.

Ўтган йили вилоятдаги маҳалла посбонлари шаҳодатдан ўтказилганда

улардан 26 нафари қониқарсиз баҳо олди, яни вазифасига нолойик деб топилди.

Маҳалла посбони милиция таянч пунктида ўз ўрнига эга, оқсоқол ёки профилактика инспекторининг дастёри эмас, энг якин кўмакчиси бўлиши керак. Тўрт-беш минг аҳоли яшайдиган ҳудудда вазиятдан тўлиқ ҳабардор бўлиш жиноятчилик ва ҳукуқбузарликларининг олдини олиш, жамоат ҳавфизилигини таъминлашда профилактика инспектори биринчи галда маҳалла посбонларига суннади. Бу эса ундан катта масъулият талабэтади. Шунинг учун маҳалла посбонлигига ҳалол, жамоат ишига қайишадиган, эл орасида обрў-этиборга лойиқ йигитлар танлаб олиниши зарур. Шу ўринда кенг жамоатчилик фикрини ўрганиб, маслаҳатлашиш жоиз, албатта. Токи, ўз манфаатини кўзлаган нопок шахслар сағфа кўшилиб, фаол, фидойи посбонлар номига доғ туширишмасин.

Садриддин ШАМСИДДИНОВ.

Жиноятга жазо муқаррар!

Ўҳшатмасдан учратмас, деб бежиз айтишмаган экан. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган тўртовлонни бирлаштирувчи иккى сабаб бор: текинхўрлик, ўғирлик. Улар иккى ойда тўрт марта ўғирлик қилишди. Ҳар бири аниқ режа асосида амалга оширилди. Уларнинг ақидаси жиноятни пухта ўйлаб амалга ошириш, энг муҳими қўлга тушмаслик.

ҲАМТОВОҚЛАР ҲИБСДА

Термиз шахрида яна бир нечта жиноят содир этилди. Шаҳар ИИБ ходимлари оёққа туришди. Вилоят ИИБ малякалар изкуварлари ўз маслаҳат ва ёрдамларини аяшмади. Шунга қарамай тезкор гурух ҳадегандан калаванинг учини топавермади. Ўғрилар кўпчилик бўлгани аниқ. Ахир музлатгич ёки телевизор қалам эмаски, чўнтакка солиб кетишиш.

Тўртовлон эса "таътил"га чиқишиган, эндиғи навбат ўғирланган мол-мулкларни пуллаш, машшатга сарфлаш эди. Милиция ходимлари туну кун суринширув ишларини олиб бордилар. Шундай кунларнинг бирида калаванинг учини топилгандек бўлди. Бирин-кетин жиноий гурух аъзолари аниқланди, ўғирланган моллар ашёйи далил сифатида олинди. Суринширувлар давомида Термиз шахрида яшовчи, муқаддам иккى марта судланган Абдураим Жалилов, уч марта жазони ўтаб чиқкан Муртазо Мирзакулов, илгари судланган Йўтам Тўраев ва фуқаро Фарҳод Кулдошевлар ўзаро жиноий тил бириктириб тўрт марта ўғирлик содир этишгани аниқланди. Улар шахарда яшовчи Барно Хайтова, Ҳудойберд Бобокулов, Сабоҳат Кўчкниева ва Фахриддин Ҳалимовга тегишли, нархи қарийб бир миллион сўм бўлган тикув машиналари, телевизор, музлатгич ва гиламларни ўмариди кетишиган эди.

Жиноят ишлари бўйича Термиз шахар суди ушбу гурухнинг жиноят ишини кўриб чиқди. Ўғрилар қилмишларига яраша жазо олдилар.

**А. МУРОДОВ,
С. ОМОНТУРДИЕВ.**

Навбатчилик қисми хабарлари

КОНДОШИГА ҚАСД ҚИЛГАНЛАР

Шоир инсон зоти ҳакида: "Ҳатто у тубанлик ичра ҳам танҳо, ё фалак, ижодинг бунча мукаммал!" — деганида накадар ҳақ эди. Дарҳакиқат, дунёдаги бошка ҳеч бир мавжуду айрим одамлардек ваҳшийликка, тубанликка бормаса керак. Пойтахтнинг Юнусобод туманинг М. Валерийнинг ўз волидай мұхтарамаси 74 ёшли онахонни бўғиб ўлдирганини яна қандай изоҳлаш мумкин? Пешку туманида истиқомат қилувчи 30 ёшли Ҳ. Гулбаҳорнинг ўз уйидаги акасини бўғизлаганини-чи? Одатда ҳайвонлар ўз болаларини асраб-авайлаш учун, керак бўлса, ҳаётини ҳавф остида қолдиради. Баъзи кимсалар табиатнинг ана шу азалий қонунiga ҳам қарши боради. Бўлмаса олмаликлик С. Людмила касбхунар коллежининг биринчи курсида таълим олаётган ўғлини кўксига пичоқ уриб ўлдирармиди?

ЧОЙХОНАДАГИ ... КОТИЛЛИК

Кариллик гаштини сураётган отахонлар чойхонада ачичик чой ичиб ўтган-кеттанинг эслашади. Ҳа, борингки ўшлар чойхонаполов қилиб ёру дўстлари даврасида яйрашар. Марғилон шахридаги чойхоналарнинг бирида эса... котиллик юз берди — муқаддам судланган Т. Косим ўзаро жанжаллашиб, бир инсоннинг бўйнига болта билан уриб ўлдирди. Жиноят изини яшириш учун тунги соат учларда шу чойхона ишчиси Ҳ. Махмуд билан бирга мурдани чойхона ҳовлисига кўмди. Бундан кўнгиллари тўлмай орадан бир неча кун ўтгач, жасадни кавлаб олиб устига солярка сепиб, автомашина шинасига кўшиб ёки юборишиб. Уларнинг иккиси ҳам энди қилмишларига яраша жавоб беришади.

«ТАДБИРКОР»ЛАР

Бозорда айримлар нимадир сотишади, бошқалар олиб сотишади. Ҳар бир ишни қоидали қилсанг, омадингни берсин. Андижон вилояти Олтинкўл қишлоғлилик иккى оғанини ҳам "тижорат"га кўй уришиди. Улар Намангандаги Бобур богида жойлашган ошхонада К. Ҳамидуллаға бир дона жанговар граната кўрсатишиб. Савдолари пишиб унга кўшиб янада соҳта гранатани 1000 АҚШ долларига пуллашаётган пайтда тутилдилар.

ҚИЛҒИЛИКНИ КИЛИБ

Пойтахтнинг Қамарнисо кўчасидаги номаълум ҳайдовчи машинасида Ж. Жалолни уриб юборди. Жабройдага ёрдам кўрсатиш ўрнига у воеа жойидан кочиб кетди. Натижада Ж. Жалол ҳалок бўлди. Кўрғилган тадбирлар натижасида "куён" бўлган ҳайдовчи "Опель-Вектра" русумли автомобилни ҳайдовчилик гувоҳномасиз бошқарган 17 ёшли йигитча эканлиги аниқланиб, қўлга олинди.

— Мен сархуш қиладиган ўша ичимликсиз туролмайдиган бўлиб қолдим. Бир кун ичмасам, аъзойи баданинг титрок кириб, ўзимни нохуш сезар, ҳар куни севиб бошлайдиган ишим, соғиниб қайтадиган оиласам, болаларим кўзимга кўринмас, ёлғиз ўша латофатли аёлу, унинг ажойиб, хуштамъ ичимлиги ўз домига тортар, мен кўринмас ипсиз боғланган эдим. Иродамни кўлга олишга кўп уриниб кўрдим, бироқ кўлимидан келмади. Узис туролмаслигими, оёкларим ўз-ўзидан ўша уй томон мени олиб бораётганини пайқадим. Мен боши берк кўчага кириб қолгандим. Ичимликни ичаг, шўх, авалги Сарварга айланардим. Унгача одамови бўлиб, бироннинг гапини ёқтирамасдим. Мендаги ўзгаришларни дастлаб оиласам, сўнг ҳам-қасбларим сизди. Уларга ҳеч нарса айтмадим. Рости, уядим...

Булокбоши тумани ИИБга олиб келинган Сарвар ўз кечинмаларини ана шундай баён қилди. Ҳаммаси ўша ўтиришдан бошланганди. Серҳашам, тўкин дастурхон атрофидаги базмларга Сарварнинг суюги йўқлигини билган таниши Нодира уни ўз ўтиришларидан бирига таклиф қилди. Даврадагиларнинг кўпи нотаниш. Ўша куни Сарвар келишган бир жувон билан танишиб қолди. Тўғриси, аёлнинг ўзи унга сўйкалди. Негадир у, ҳазил, шўхликка ўч Сарварнинг хушомадларидан ўзи-

ни олиб қочмади. Ноила исмли бу аёл Сарварга ёқиб қолди. Машшатга сархушадиган ичимликдан янаги чиқиши келди. Ундаги бу ўзгаришлар ишига, юриштуришига таъсир қила бошлади. Оиласида тинчи йўқолди. Турмуш ўртоғи ҳайрон. Унга нима бўляпти? Сарвар эса кўп вақтни ўша оғатижон аёлнида ўтказар, кун сайин антиқа ичим-

га боргиси, ўша сархушадиган ичимликдан янаги чиқиши келди. Ундаги бу ўзгаришлар ишига, юриштуришига таъсир қила бошлади. Оиласида тинчи йўқолди. Турмуш ўртоғи ҳайрон. Унга нима бўляпти? Сарвар эса кўп вақтни ўша оғатижон аёлнида ўтказар, кун сайин антиқа ичимликдан ўзининг кўлбала ичимлиги билан меҳмон қилаётган эди. У билан мунтазам алоқада бўлиб турганлар бирин-кетин кўлга олинди.

Сарвар шу куни бу ичимлик таркиби гиёҳванд моддасининг ўткир бир тури қўшилганини билди-ю, баданигача музлаб кетди. Ўзини ўзи балога гирифтор қилганини пайқади. Аммо энди кеч эди. Уни истеъмол қилмаса, аъзойи баданига титрок киради...

Сарварнинг ахволи тобора оғирлашиб борар эди. Порлаб турадиган кўзлари маъносиз бокадиган, кўллари ишга бормайдиган бир ҳолатга тушди. Ўзини тобора ҳалокат томонига кетиб бораётганини сезган Сарвар тақдирни ҳакида бир қарорга келган эди...

Сарвар ишлар бўлимида кўрсатма берган куннинг эртасига тезкор гурух Ноиланинг уйига тўсатдан кириб борди. У бу пайтда навбатдаги "қурбони"ни ўзининг кўлбала ичимлиги билан меҳмон қилаётган эди. У билан мунтазам алоқада бўлиб турганлар бирин-кетин кўлга олинди.

...Кўчада ҳаёт қайнайди. Одамлар турли хил юмушлар билан қаергадир шошадилар. Соддадил кимсаларни алдаб, фаровон ҳаётига тайёрлаш учун масаллиқ тугаб қолганини айтиб қолди. Сарвардаги ўзгаришни сезган Ноила бир куни томдан тараشا тушгандек қилиб ичимлик тайёрлаш учун масаллиқ тугаб қолганини айтиб қолди. Гап орасида эса уни сотиб олиш учун дурустги-

Огоҳ бўлинг, одамлар!

ҚАБОҚАТ ИСКАНЖАСИДА



ликдан кўпроқ истеъмол қиларди. Ҳаловати йўқолиб бораётганини ўзи ҳам сизиб вижданан қийналар, бироқ у ичимликка бутунлай ўрганиб қолгани туфайли бу хонадонни тарк этолмасди. Сарвардаги ўзгаришни сезган Ноила бир куни томдан тараша тушгандек қилиб ичимлик тайёрлаш учун масаллиқ тугаб қолганини айтиб қолди. Гап орасида эса уни сотиб олиш учун дурустги-

У. ЮСУПОВА.

Қилемши-қидирмиш

АЙБ КИМДА?

Шодиёр уйда тез-тез бўлиб турдиган жанжаллардан жуда чарчади. Бу уйдан узокроққа кетишнинг биргина йўли – ўқишига кириб, жилла бўлмаса ётоқонада яшаш эди. У анча иқтидорли, зийрак бўлгани боис фанларни тез ўзластиради. Агар ота-онаси унга озгира эътибор қилиб, шароит яратиб беришганда эди...

Ўқув ийли охирлаб қолганда Шодиёр тайёргарликни кучайтириди. Хеч бир қиинчиликсиз Янгийўл шахридаги тиббиёт коллежига ўқишига кирид. Мақсади факат уйдан узоклашиш бўлгани туфайли жон куйдирб ўқимдиям. Шунчаки, ўқишидан ҳайдалмаслиги учун гина тиришид, холос. Лекин ҳар нарсанинг охири бўлганидек, вақт ўтиши билан ўқиш ҳам тугади. У шу ердаги касалхонага ишга жойлашди. Бироқ олган маоши ижрага тўлаш, қорнини тўйдирниша ва уст-бошига етмасди. У ноилож уйга қайтди. Ота-она унинг ишламай, текин еб-ичшини ҳар куни юзига солаверди. Шодиёр ҳарбий хизматга кетиб бу фурбатдан кутлишни ўлади. Хизматга эса ҳадеганда чакираверишмади. Уйдаги нотинчлик, носоғлом мухит укаси Мадиёрни ҳам "захарлаб" улгурганди. Ота-онанинг ҳадеб "пул топ, рўзгорга уни олиб кел, буни олиб кел", деб қистайверишидан безор бўлган Мадиёр ўғирликка қўл урди.

У далаларда қаровсиз қолган молларни ўмарид, сотиб, пулнинг маълум қисмини уйга келтириб берарди. Аввалдан ака-ука ўртасида меҳр, самимият бўлмаганилиги боис улар сирдош эмасдилар. Мадиёр қамалгач, Шодиёр уйдан ҳайдалди. Ака укасининг ёш умри ҳазон бўлиб, умр дафтарига қамалганидан дарақ берувчи тамға бо силганидан юраги эзилмади.

Шодиёрни бу воқеа бошка томони билан қизиқтириди. Ахир шунча мол ўғирлаганини ҳеч ким билмаган-ку! Буни билмаслиги ҳам мумкинми? Демак, укаси қаердадир хатога йўл кўйган. Ҳуш, қаерда? У ёшлигига бориб, ўғирланган молларга катта нарх кўйиб юборган.

Шодиёр Янгийўл шахрида туппа-тузук иш топиб ишлаб юрганида ҳам бу ҳақда



Жиноят оламидан

Россия маҳсус хизматлари профессионал ёлланма қотиллар гурӯхини фош этишиди. Ҳозирча жиноий тўданинг иккى аъзоси – Сергей Березнер ва Илья Рожнов ҳибса олинди. И. Рожнов "Олмос-Антей" мудофаа холдинги директори вазифасини бажарувчи Игорь Климовга уюштирилган суюқасдда қатнашган, деб таҳмин қилингани. Ҳозирда қўлга олинганларнинг турли буортмали қотилларларда иштирок этанлиги ҳақида тергов гуруҳига Россия ва МДҲнинг кўплаб шаҳарларидан маълумотлар келяпти.

ЁЛЛАНМА ҚОТИЛЛАР

Рязанлик ишбилармон Александр Старченковга уюштирилган ҳужумни текшириш чоғида жиноятчилар изига тушишга муваффақ бўлинган. Тижоратчи машинасида уйига келган пайтда ёлланма қотил унга тўппончадан ўқ узган. Терговчилар Старченковнинг фирмаси Рязанга қаҳва ва чой етказиб бериш билан шуғулланганини аниқлашди. Сўнгги кунларда ишбилармон ўзининг ўринбосари бўлган аёл билан келишмай қолган. Дастробки сўрок жараёндаёт аёл бошлигини йўқотиш учун 25 ёшли бир танишидан ёрдам сўраганини тан олди. У

еса ўз навбатида Сергей Березнерга мурожаат қилган. Киллер "иш ҳаки" учун 10.000 АКШ доллари сўраган. Аммо буортмани ўзи бажармай, бошқа бирорвга оширган. Москвада ҳақиқий киллер ҳам қўлга олинди. Аввал у тезкор ходимларга қалбаки паспорт кўрсатди. Ёлланма қотилнинг бармоқ излари текшириб кўрилганда, у нафақат Россия, балки бошқа МДҲ давлатларида ҳам кидирив өзлон қилинган шахс эканлиги аён бўлди.

Маҳсус хизматларнинг маълумотларига қараганда, 24 ёшли Илья Рожнов ўсмирилигиде босқинчилик содир этга-

ни учун қамалган. 2000 йилда озодликка чиқа, ҳамтоворлари билан буортмали қотилларлар ижро этишга киришган. Топширикларни Березнер, Орехово уюшган жиноий гурухининг бошқа аъзолари беришарди.

"Рожнов ўта моҳирлик билан фаолият кўрсатган, – деди тергов гурухининг бир аъзоси. – У жиноятларни амалга оширишга баъзан ҳафтабал тайёргарлик кўрган. Жисмонан бақувват бўлганидан беш киши зўрга бас келди". Тезкор ходимларнинг айтишича, Рожнов Россиядан бошқа МДҲ мамлакатларида ҳам буортмалар бажарган. Гурухнинг хизмат

у ҳамкишлогои Э. Алиқуловнинг сигирини, кейинроқ Б. Ашировнинг қорамолини ўғирлаб, гумдан қилди. Ҳеч нарса иззиз кетмаганидек, унинг мол етаклаганини кўрганлар бор эди.


– У гумонланиб терговга чақирилди, – деди Чиноз туман ИИБ тергов бўллиномаси терговчиси, милиция капитани М. Бардошев.

– Ота-онасига бу ҳақда билдирилганда, улар пинакларини ҳам бузишмади. Тергов вақтида, ундан кейин ҳам, улар фарзандлари тақдирни учун қайғуриб воқеа тафсилоти билан қизиқишганини эслолмайман. Унинг ўзида эса афсуланиш, надомат ҳиссини сезмадим. Воқеаларни совуқонлик билан сўзлаб берди. Унга жуда ачиниб кетдим. Фарзандни шу кўйга соглан ота-онасига нафратим ошиди. Ота-онага керак бўлмаган бола бемехр, қаҳри қаттиқ бўлиб вояга етаркан. Шодиёрнинг тушишган укаси қилмишидан хотуғри хуласа чиқариши, на укасига, на ота-онасига ачинмаслиги бунинг исботидир. Шундай одам бошқаларнинг дардига шерик бўла олармиди? Зеро, тиббиёт билимгоҳида меҳр-муруват, ўзгалар дардига малҳам бўлиши каби фазилатлар ҳақида озмунча гапирилмагандир. Бир болага етти маҳалла ота-она, деган гаплар бежиз айтилмаган. Бироқ, бу оиласади парокандалик на маҳалла-кўй, на кўни-кўшниларни қизиқтиргмаган. Кўриб турганингиздек бефарқлик, лоқайдлик ҳеч қаҷон яхшилик келтирмайди.

М. ИБРОҲИМОВА.

ҚИЗЧАНИНГ ЯҚИНЛАРИ БОРМИ?

Тошкент вилояти ИИБ ХООБ вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига 2003 йил 20 сентябрь куни Янгийўл тумани ИИБ профилактика инспекторлари томонидан қаровсиз юрган 9-10 ёшлардаги, Осиё миллатига мансуб қиз бола олиб келинган.



Қизча эштиши ва гапириш қобилиятига эга бўлмаганилиги сабабли ундан ота-онаси, яшаш жойи ҳақида маълумот олиб бўлмаганди. Ёзиш ёки имо-ишора билан тушунтириш қобилиятига ҳам эга эмас.

Белгилари: бўйи 100-110 см, бугдойранг, озгиндан келган, юзи думалоқ, кўзлари қисик, қошлиари, сочлари кора.

Кийимлари: эгнида кўк жемпер, оқ кофта, яшил трико, оёғида яшил шиппак бор.

Кизчанинг ота-онаси ёки яқинлари Янгийўл шахридаги вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига мурожаат этишлари мумкин. Телефон (код 371600) 2-32-97, 2-40-11.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Андижон вилояти ИИБ ЖҚ ва ТҚҚБ томонидан қўйида-ги шахслар жиноят содир этиб, терговдан яшириниб юргани учун қидирилмоқда:

Содик Тошматов. 1953 йилда туғилган. Андижон шахри Увайсий кўчаси 58-йуда ўшаган.



Аҳмаджон Юсупович Шералиев. 1955 йилда туғилган. Андижон шахри Шаҳрион тумани Сарой қишлоғида ўшаган.



Дилмуродбек Бозорович Исмоилов. 1967 йилда туғилган. Андижон шахри 2-кичик даҳа 36-йд 28-хонадонда ўшаган.



Хатам Мусаевич Хатамов. 1962 йилда туғилган. Андижон шахри Суджатат кўчаси 64-йуда ўшаган.



Юқорида номлари қайд этилган шахсларни кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

БУЯМ БИР БИЗНЕС

Жанубий Африка Республикасида фаолият кўрсататган жиноий гурухлар фойдали бизнеснинг янги бир тури билан шуғулланишпти. "Новости" Россия ахборот агентлигига билдиришича, улар дастидан Йоханнесбург ва бошқа ийрик шаҳарларда итлар сони кескин камайиб кетган.

Мамлакат хукуқ-тартибот идораларининг хабарларига кўра, ушган жиноий гурухлар ит гўштини Жануби-Шарқий Осиё давлатларига етказиб бериб, шунингдек зотдор итларни маҳаллий бозорларда сотиб яхшигина фойда кўришпти. Ўғирланган жонворлардан сапёриклида, яъни Жанубий Африкада гиўлгина мамлакатларда худудларни миналардан тозалашда ҳам фойдаланишпти.

Республика ИИБ ёхбабарияти ва шахсий таркиби бош мутахассис, ички хизмат майори И. Зиневиддиновга падари бузруквори ИЛЭСХЎЖА отанинг вафот этанлиги муносабати билан чукур ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ИИБ ЖҚ ва ТҚҚБ катта тезкор вакили, милиция майори Д. Абдулхақоновга отаси, ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги милиция полковники Тўхтасин АБДУЛХАҶОВИНИНГ таъсисида муносабати билан чукур таъзия изор этадилар.

Хоразм вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Янгиариқ тумани ИИБ профилактика инспектори, милиция катта лейтенанти Кўпал ОТАЖОНовниг хизмат вазифасини бажариш чоғида фожиали ҳалок бўлгани муносабати билан унинг ойла аъзолари ва яқинларига чукур ҳамдардлик билдирадилар.

Сиз кутган учрашув

Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиевни халқимиз жуда қадрлайди, унинг ижросидаги ҳар бир ролни мароқ билан томоша қиласди. Дарҳақиқат, севимли актёримиз театр ва кинода хилма-хил сиймолар яратди. Бу образлар хоҳ ижобий, хоҳ салбий бўлсин, Ёдгор Саъдиев уларни маромига етказиб ижро этган. Санъаткорнинг олиб бораётган ишлари ҳақида батофси маълумотга эга бўлиш учун у фаолият кўрсатамайтган "Қалқон" студиясига ташриф буюриб, бир неча савол билан мурожаат қилдик.

«ШАЙТАНАТ»НИНГ ДАВОМИ БОРМИ?

— Ёдгор ака, «Шайтанат» фильми жуда машҳур бўлиб кетди. Ундан кўнглингиз тўлдими?

— Менимча, картина га халқ баҳо беради. Фильмин кўриш жараёнида хаёлимдан баязи ерларини бошқачароқ талқин этиш лозим эди, деган фикр ўтди.

— «Қалқон» студияси ҳақида бир оз тўхталиб ўтсангиз.

— «Қалқон» республика ИИВ Бирлашган таҳририяти кошида ташкил этилган студия бўлиб, бу ерда студия директори Жамшид Зокиров, боз оператор Нажмиддин Гуломов, рассом Алишер Умурзоков, ёш режиссер Хамза Каримов, маслаҳатчи Сарвар Саъдуллаев ва бошқа ёш ходимлар ижод қилишага яплати. Мен эса бадиий раҳбар, боз режиссер, продюсер ва зифасида фаолият кўрсатяп-

ман. «Шайтанат» Қалқон»-нинг катта саҳнага қўйган илк қадами бўлди. Шунга қарашмай фильм халқ томонидан жуда яхши кутиб олини, катта муваффакият қозонди. Буни киничкина жамоамиз ўз вазифасига чукур масъулият билан ёндашганидан, деб биламан.

— Ҳам раҳбар, ҳам актёр, ҳам режиссер. Бу сизга оғирлик қилмайдими? Барча ишларга қандай улгурасиз?

— Агар инсон ўз касбини севса, машакқатлар сезилмайди. Мен барча ишларимни режа асосида бажарман. Оилам деб ишимни, ишни деб оиласми ташлаб кўймайман.

— Яна детектив жанрда кино яратиш ниятингиз борми?

— Албатта. «Қалқон» студиясининг асосий вазифа-

си ички ишлар ходимларининг катта саҳнага қўйган илк қадами бўлди. Шунга қарашмай фильм халқ томонидан жуда яхши кутиб олини, катта муваффакият қозонди. Буни киничкина жамоамиз ўз вазифасига чукур масъулият билан ёндашганидан, деб биламан.

— Актёр сифатида қандай сиймолар яратишни хоҳлайсиз?

— Табиатан босик бўлганим боисми, жиддий образлар устида ишларни яхши кўраман.

— «Шайтанат»да ҳам ўта мураккаб ва жиддий шахс образини яратдигиз. Фильмдан сўнг «Ёдгор Саъдиевга "Мерседес" совға қилишибди», деган гап-сўзлар тарқалди...

— Бир кун мен билан ишлаган оператор олдимга келиб, «Ёдгор, сенга "Мерседес", Жамшидга "Волга" совға қилишибди, менга ҳам ҳеч бўлмас "Тико" беришсин, айт ўша одамларга», — деб астойдил хафа бўлди. Шунда мен уни кўча томонга қараган дераза олдига олиб бориб: «Кўярпсанми, анави "Жигули"ни. Ўша менинг "Мерседес"им бўлади», дедим. Эл оғзига элак тутиб бўлмайди. Мен бундай мишишларга эътибор бермасликка ҳаракат қиласман.

— Кўпгина ёшлар «Шайтанат»ни кўриб, Асадбекка ҳавас қилишади, унинг бойлиги ва мавқеига мен ҳам етишсам дейишади. Сиз ўзингиз ҳаётда ҳам Асадбекдек бўлшини хоҳлармидингиз?

— Йўқ. Тўғри, Асадбекда баъзи ёшларни жалб этувчи жиҳатлар бўлиши мумкин. Аммо бу фильм аввалида бўладиган ҳолат. Бинобарин, картина бошида Асадбек ниҳоятда баҳтиёр, айтгани-айтган, дегани-деган бир шахс сифатида гавдаланади. Жиноятчилик, ноқонуний йўллар билан ортирилган бойлик инсонга ҳеч қачон ҳаловат бермаслиги, шайтанат олами нафақат Асадбекнинг ўзига, балки оиласига ҳам салбий таъсир кўрсатгани фильм жараёнида очиб берилади. Асадбек жиноят кўчаси хатарли эканини англаб етади, бу йўлдан юрганига афсусланади. Шу билан бирга ундан чиқиш хавфли эканини ҳам билади. Охири-оқибат Асадбекнинг кўллари қонга ботади. Оиласи ҳам пароканда

бўлиб, ўғли ўлади, қизи аянчли тақдирга дуч келади. Хулоса қилиб шуни айтмоқчиманки, фильмнинг охирига бориб ёшларнинг Асадбекдан ихлослари қайтиши аник.

— Энди ҳаммани қизиқтирадиган савол: «Шайтанат»нинг давоми борми?

— Албатта. «Шайтанат»нинг маълум бир фасллари суратга олиб бўлинди. Вакт соати билан уни юртдошларимиз кўришлари мумкин.

— Фильмдаги Элчиннинг ўз никоҳи кечасида айтган қўшиги ҳам жуда машҳур бўлиб кетди...

— Бу қўшик айнан асардаги воқеалар билан ўйнуншиб кетган, десам муболага бўлмас. Шеър шоир Шукур Курбон қаламига мансуб.

Ўшандада танлов эълон қилинди. Ҳар қайси санъаткор ўз ижроси билан қатнашиди. Ниҳоят, ҳайъат аъзо-

лари Азим Муллахонов ижросидаги қўшикни маъқул деб топишиди. Айтганингиздек қўшик тезда халқнинг тилига тушди.

— Ёдгор Саъдиев ҳаётда ҳам Асадбек сингари бой-бадавлатми?

— Мени доим кўллаб-куватловчи халқим, озми-кўпми муҳлисларим, ўзим севган касбим, тинч-тотув оиласи бор. Демак, мен Асадбекдан кўра бойроқман.

— «Постда» газетаси муштарилинига тилакларингиз.

— Энг аввало юртимиз тинч бўлсин. Оллоҳ халқимни паноҳида арасин. Ҳамма-ҳаммага соғлик ва омонлик тилаб қоламан.

Газета бундан ҳам рангбаранг, қизиқарли бўлиб, муҳлислари янама кўпаяверсин.

Сұхбатдош
Мастура ЮНУСОВА.



ҲИКМАТЛИ ЖУМБОҚ

Азиз муштариилар! Мънолари куйида тавсифлаб берилган сўзларни топиб, уларни юлдузча шаклининг ўтиз иккита сектори (бўлгали)га тартиб рақамлари кўйилган хоналардан марказ томонга қаратади бирма-бир ёзиг чиқинг.


1. «Халол меҳнат яхши одат, берур сенга ...» (мақол). 2. Жисмоний машқлар билан шуғулланиш. 3. Ёзма иш. 4. Австриялик олим, криминалистиканинг асосчиларидан бири. 5. Янги топишмоклардан: «Аҳил бўлиб яшар доим етмиш мард, Тани ёниб, элга қиласди хизмат». 6. Математик ифода. 7. Муассаса, ташкилот, корхона ходимлари шахсий таркибининг рўйхати. 8. Кишидаги матонат ва қатъият. 9. Буюк ўзбек мумтоз мусаввири. 10. «Из-

кувэр» фильмида бош ролни ижро этган таникли киноактёр. 11. Бирор ташкилот ёки уюшмага расмий қабул қилинган ёки сайланган киши. 12. Ақл чироғи. 13. Улуғ ўзбек мутафаккир шоир. 14. Ўқи ўзиш учун мўлжалга олинган нарса. 15. Ўқув машғулоти учун аниқ белгиланган вақт. 16. АҚШнинг машҳур кино юлдузлариридан бири. 17. Воқеалини овозли, бадий образ, куй орқали ифодаловчи санъат. 18. Миллий спорт турнири. 19. Кишига ўрганиш бўлиб қолган ҳаракат, қилик. 20. Чизмачилик асбоби. 21. Спорт турларидан бири. 22. Орзу, истак, мақсад. 23. «Эртанги ишга бугун ... туз» (мақол). 24. «Кимки шогирдликка чин дилидан шод, Бир кун ўзи ҳам бўлгуси ...» (Носир Хисрав). 25. «Илмдан яхшироқ ... бўлмас, Қўлингдан келган-

ча тера олсанг бас» (Абу Абдуллоҳ Рудакий). 26. Булок. 27. Мебель турни. 28. Айланувчининг жиноятга алоқаси йўқлигини тасдиқловчи далил. 29. Боборахим... 30. Билимнинг бирор соҳасига оид муайян тушунчани ифодаловчи сўз. 31. «Чин инсонлик китобига Баҳту ҳикмат битибсиз, ... ила билим олдим Сузингиздан, устозлар» (Пўлат Мўмин). 32. Текисликнинг айланана билан чегаралган кисми.

Жавоб сўзларни тўғри топиб, шаклининг иккита қуюқ чизиқ орасидаги хоналарига тўғри келган ҳарфларни тартиб билан соат милийларига монанд йўналишда ўқисангиз, устодлар ҳақидаги ҳикматли сўзлар аён бўлади.

Тузувчи Ҳамидулла АБДУЛЛАЕВ.



Ёйлар бўйича: 1. Бакиров. 2. Кабутар. 3. Тановар. 4. Коровул. 5. Ботухон. 6. Зиравор. 7. Химолай. 8. Полермо. 9. Корасув. 10. Негатив. 11. Бегемот. 12. Бешорол. 13. Бешарик. 14. Дехотий. 15. Шерозий. 16. Полигон. 17. Боботог. 18. Душанба. 19. Рубидий. 20. «Эвронтон». 21. Авиатор. 22. Намойиш. 23. Қаррабо. 24. Кувасой. 25. Гуломов. 26. Баритон. 27. Ражабий. 28. Башаров.

O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI IV
BIRLASHGAN
TAHRIRIYATI

MANZILIMIZ:
700029,
Toshkent,
Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

Bosh muharrir
Shuhrat MURODOV

Bosh muharrir
o'rinnbosari v.b.
Murod
TILLAYEV
Mas'ul kotib
Rahmatilla
BERDIYEV

Navbatchi
Sadreddin
SHAMSIDDINOV

Sahifalovchi
Zokir BOLTAYEV

Musahih
Gavhar XOLIQOVA

TELEFONLAR:
Bosh muharrir
o'rinnbosari 139-75-69.
Kotibiyat 139-73-88.
muxbirlar bo'limi
139-77-23, 59-27-15.
Buxgalter 139-75-37.
Faks 132-05-51.

E-mail:
urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami
20210000700447980001,
MFO 00421.

«Ipak yo'li» aksiyadorlik
investitsiyaviy tijorat
bankining Mirzo
Ulug'bek bo'limi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat matbuot
qo'mitasida 00007 raqam bilan ro'yxatga olingan
Buyurtma Г — 938. Hajmi — 4 bosma taboq.
Bosilish — ofset usulida. 45077 nusxada chop etildi.

- Ko'chirib boshishda
«Postda»dan olinganligini
ko'rsatish shart
- Muallifning mulohazasi
tahririyat fikriga mos
tushmasligi mumkin.
- Qo'lyozmalar tahlil
qilingmaydi va
qaytarilmaydi.

Obuna raqamlari:
Yakka tartibda — 180
Tashkilotlar uchun — 366
Gazeta haftaning payshanba
kunlari chiqadi.
Bosishga topshirish vaqt — 20.00.
Bosishga topshirinti —
«SHARQ»
nashriyot-matbaa aksiyadorlik
kompaniyasi bosmaxonasida
chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko'chasi
41-uy.
1, 2, 3, ..., 5, 6.